

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

**Н.Бувақов**

Турк хоқонлиги ва суғдлар (симбиоз ва ассимиляция жараёнлари: тарихшунослик таҳлили)..... 84

---

**АДАБИЁТШУНОСЛИК****Н.Йўлдошев**

Чўлпоннинг бармоқ вазнидаги шеърлари..... 88

**Г.Эрназарова**

Медитатив шеъриятда тарихий ўтмиш ва аждодлар образининг метафориклашуви (А.Орипов шеърияти мисолида)..... 94

**С.Жумаева**

Ёрдамчи персонажларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари..... 98

**Ҳ.Жўраев, С.Хўжаев**

Образ, бадий-фалсафий ният ва ғоявийлик..... 102

**А.Тўйчиев**

Нурали Қобул ижодига умумий назар ..... 106

---

**ТИЛШУНОСЛИК****Ш.Искандарова, Ш.Ганиева**

Тил илмининг етук дарғаси..... 110

**А.Мамажонов, А.Абдуллаев**

Рамз ва унга ёндош ҳодисалар хусусида ..... 114

**Ғ.Хошимов, З.Қўчқорова**

“Тўй” концепти вербализаторларининг лингвокогнитив майдони ва лингвокультурологик жиҳатларининг қиёсий тадқиқи ..... 119

**Н.Умарова**

Навоий асарларида “сўз” концепти ..... 126

**И.Мадраҳимов**

Тасниф – тадқиқотнинг ибтидоси ва интиҳоси ..... 130

**Д.Мадазизова**

Сленг ва унга ёндош ҳодисалар..... 134

**А.Саминов**

Антитеза ва оксюморон усулларининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида..... 138

---

**ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ****Н.Ўринова**

Ижтимоий-психологик тренинглار ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг инновацион технологияси сифатида ..... 142

**Ш.Бойханов**

Табақалаштирилган таълимнинг талабалар паремиологик компетенциясини ривожлантиришдаги самарадорлиги ..... 147

**З.Позилжонова**

Маданиятлараро мулоқот тушунчаси ва унинг шаклланиши..... 151

---

**ИЛМИЙ АХБОРОТ****С.Муртазова**

XX асрнинг биринчи ярмида Ўзбекистонда мусиқа фани ва илмининг ривожини ҳамда намояндалари фаолияти тарихидан..... 154

**Н.Комилов**

Ватан тараққиёти учун бағишланган умр (Қўқонлик жадид Обиджон Абдуҳолиқ ўғли Маҳмудов ҳақида) ..... 157

**М.Болтабоев**

Советлар даврида диний конфессияларга бўлган муносабат тарихи ..... 161

**С.Юлдашев**

VIII–X асрларда Фарғона водийси иқтисодий ҳаётининг араб манбаларида ёритилиши ..... 164

шаклини кўришимиз мумкин. Унинг таркибидаги “етти” ва “ер” сўзларининг рамзий маънолари иборанинг асосини ташкил этади. “Етти” – илоҳий мазмундаги сон бўлиб, кўпликни акс эттирса, “ер” осмоннинг акси, пастлик, тубанлик каби маъноларни ифодалайди. Айнан ушбу рамзлар иборанинг маъносини кучайтириш билан бирга, мавзу билан боғлиқ ҳиссиётларнинг шаклланишига ҳам хизмат қилади.

Ушбу икки ҳодисанинг шакл ва мазмун муносабатлари билан боғлиқ томонларида ҳам фарқли жиҳатларни кўриш мумкин.

Одатда, шаклдош сўзларнинг ҳосил бўлишида бош ва кўчма маънолар ўртасидаги алоқа, метафорик боғлиқликнинг узилиши кузатилади, лекин бу узилиш, ўз навбатида, метафоранинг йўқолишини ҳам кўрсатади. Масалан, ёз (фасл), ёз (ҳаракат) шаклдош сўзлари каби. Ўз ўрнида рамзларда омонимия, синонимия, кўп маънолилиқ каби қатор ҳодисалар намоён

бўлади, метафора эса фақат кўпмаънолик билан чегараланади.

Метафоралар ўртасида синонимия ҳодисаси мавжуд, деб қараш метафоранинг асосий хусусиятига зид келади. Сабаби метафора, ўхшашлик тамойилига асосланади ва икки моҳият ўртасида маъновий синонимик алоқани ўрнатиш билан бир пайтда метафора бошқа метафора билан ўхшаш бўла олмайди [15]. Рамзларда эса синонимия ҳодисаси кўп кузатилади. Масалан, муҳаббат рамзи сифатида “атиргул”, “ғунча”, “олма”, “рўмолча”, “қизил гул” каби қатор образлар қўлланиши мумкин.

Хуллас, рамз ва метафора кўчимнинг алоҳида хусусиятга эга бўлган турлари қаторига киради. Ҳар иккисининг ўзига хос умумий ва фарқли бўлган функционал жиҳатлари мавжуд, лекин айнан бир хил ҳодиса эмас. Шу сабабли уларни талқин этишда умумий ва фарқли белгиларини ҳисобга олиш лозим бўлади.

#### Адабиётлар:

1. А.Ҳожиёв. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. —Т. “ЎМЭ” – 2002.
2. Шомақсудов А. ва б. Ўзбек тили стилистикаси. —Т.: «Ўқитувчи», 1983.
3. Махмараимова Ш. Лингвокультурология: Ўқув кўлланма. —Т.: Чўлпон номидаги НМИУ, 2017.
4. Йўлдошев М. Бадиий матннинг лисоний таҳлили: Методик кўлланма. — Т. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси нашриёти, 2010.
5. Резников. Л.О. Гносеологические вопросы семиотики. —М., 1979.
6. Хатамов Н., Б.Саримсақов. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. —Т.: “Ўқитувчи”, 1976.
7. Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. — Т.: “Мумтоз сўз”, 2010.
9. Шабанова Н. Традиционное и индивидуальное в семантической структуре символа. Автор.диссертации - кандидата филологических наук.
10. Блэк М. Метафора /Теория метафоры: сб. статей/ Под общ. ред. Д.Арутюновой и М. А. Журиной. — М.: Прогресс, 1990.
11. Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс // Теория метафоры: сб. статей / под общ. ред. Н. Д. Арутюновой и М. А. Журиной. — М.: Прогресс, 1990.
12. Лагута О.И. Метафорология: теоретические аспекты. Часть 1. — Новосибирск: Новосибирский государственный университет, 2003.
13. Колесов В.В. Философия русского слова. СПб., 2002
14. Потебня А.А. Эстетика и поэтика. —М., 1976.
15. Авдеенко И.А. Символ и метафора // Филологические науки. Вопросы теории и практики. Тамбов: Грамота, 2013. № 3
16. Медведева А.В. Символическое значение как тип значения слова (на материале русских и английских обозначений обиходно-бытовых ситуаций, предметов и явлений материальной культуры). Диссертация на соискание ученой степени кандидата филологических наук. — Воронеж, 2000
17. Никитин М.В. Курс лингвистической семантики. СПб., 1996
18. Алан М. Олсон. Myth, Symbol and reality. University of Notre Dame Press, 1980.
19. Телия В. Н. Метафоризация и её роль в создании языковой картины мира // Роль человеческого фактора в языке. Язык и картина мира. —М.: Наука, 1988.

УДК: 041

“ТЎЙ” КОНЦЕПТИ ВЕРБАЛИЗАТОРЛАРИНИНГ ЛИНГВОКОГНИТИВ МАЙДОНИ ВА  
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ЖИХАТЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАДҚИҚИ

СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ ЛИНГВОКОГНИТИВНОГО ПОЛЯ И  
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЕЙ ВЕРБАЛИЗАТОРОВ КОНЦЕПТА  
«СВАДЬБА»

COMPARATIVE STUDY OF LINGUOCOGNITIVE FIELD AND  
LINGUOCULTUROLOGICAL PECULIARITIES OF THE VERBALIZERS OF THE CONCEPT OF  
“WEDDING”

Ғ.Хошимов<sup>1</sup>, З.Қўчқорова<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ғ.Хошимов

– ФарДУ филология фанлари доктори, профессори.

<sup>2</sup> З.Қўчқорова

– ФарДУ лингвистика: инглиз тили мутахассислиги магистранти

**Аннотация**

Мақолада инглиз ва ўзбек тилларида “тўй” концептини воқелантирувчи тил бирликлари сатҳлараро қиёсланиб, уларнинг лингвокогнитив майдон табиати қиёсий аснода илк бор тадқиқ қилинган, шунингдек, уларнинг изоморфик ва алломорфик жиҳатлари аниқланган ҳамда мазкур жиҳатларни тақозо этувчи лисоний ва нолисоний омиллар очиб берилган.

**Аннотация**

В статье сопоставлены межуровневые вербализаторы концепта “свадьба”, впервые в сопоставительном плане исследована их лингвокогнитивная полевая природа в английском и узбекском языках, выявлены их изоморфные и алломорфные признаки, а также раскрыты лингвистические и экстралингвистические факторы, обуславливающие данные признаки.

**Annotation**

This article touches upon the comparative analysis of the multilevel verbalizers of the concept of wedding, and for the first time in English and Uzbek their linguocognitive field nature has been investigated, and their isomorphic and allomorphic features have been established as well as the factors preconditioning the latter have been revealed.

**Таянч сўз ва иборалар:** когнитив тилшунослик, концепт, вербализатор, морфема, лексема, синтаксема, сўз бирикмаси, содда гап, қўшма гап, фразеологизм, текстема, “тўй” концепти, “тўй” лингвокогнитив майдони, изоморфик ва алломорфик жиҳатлар.

**Ключевые слова и выражения:** когнитивная лингвистика, концепт, вербализатор, морфема, лексема, синтаксема, словосочетание, простое предложение, сложное предложение, фразеологизм, текстема, концепт “свадьба”, лингвокогнитивное поле “свадьбы”, изоморфные и алломорфные особенности.

**Keywords and expressions:** cognitive linguistics, concept, verbalizer, morpheme, lexeme, syntaxeme, word combination, simple sentence, composite sentence, phraseologism, texteme, concept of ‘wedding’, linguocognitive field of ‘wedding’, isomorphic and allomorphic features.

Замонавий тилшуносликда йўналишлардан фарқ қилади. Санаб ўтилган антропоцентрик йўналишлар катта илмий йўналишлардан бири бўлган муваффақият билан тобора ривожланиб, тилшунослик бугунги кунда тобора ривожланиб раванқ топиб бормоқда. Бундай бораётган истиқболли соҳа сифатида кўплаб йўналишларнинг ўзига хос томони шундаки, олимлар ва тадқиқотчилар диққат эътиборини уларда тил ҳодисаларини тадқиқ этишда ўзига тортмоқда. инсон муҳим омил сифатида олиб қаралмоқда, бунинг натижаси ўлароқ, тил ҳақидаги фанда йўналишларнинг лингвокогнитив табиати олиб қаралмоқда, когнитив тилшунослик, прагматик тилшунослик, лингвокультуроология, этнотилшунослик каби замонавий янги йўналишлар вужудга келдики, ушбу йўналишлар тилни инсоннинг тафаккур жараёнлари ва маданияти билан узвий боғлиқликда ўрганиши билан бошқа йўналишлардан фарқ қилади. Санаб ўтилган илмий йўналишлардан бири бўлган когнитив тилшунослик бугунги кунда тобора ривожланиб бораётган истиқболли соҳа сифатида кўплаб олимлар ва тадқиқотчилар диққат эътиборини ўзига тортмоқда.

Бу борада когнитив тилшунослик бўйича чуқур тадқиқотлар олиб борган етакчи мутахассис олим Ш. Сафаровнинг фикри ҳам диққатга сазовордир: “Когнитив тилшуносликнинг вазифаси тил ёрдамида билим олиш ва сақлаш, тилни амалда қўллаш ҳамда узатиш, умуман, тил тизими ва таркибини инсон миясидаги инъикоси сифатида тафаккур билан боғлаб, чуқур илмий

## ТИЛШУНОСЛИК

тадқиқ этишдир” [Сафаров, 25]. Бундан келиб чиқадики, когнитив тилшунослик “инсон томонидан борлиқ дунё воқелигини тил орқали англаниши, ўрганилиши, яъни концептлар воситасида унинг ҳис ва идрок қилиниши, шу йўсинда унинг инъикос этилиши, пировард натижада вербал воситалар орқали унинг воқелантирилиши ва мулоқотда онгли равишда қўлланилиши каби инсон миясида кечувчи мураккаб лингвоконцептуал жараёнларни тизимли тадқиқ этувчи истиқболли йўналишдир” [Ҳошимов, 75].

Ҳозирги пайтда когнитив тилшунослик бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда концепт, унинг лингвокогнитив табиати ва турли тилларда вербаллашувига доир долзарб масалалар қизғин муҳокама қилиб келинмоқда (Е. С. Кубрякова, В. А. Маслова, Н. Н. Болдирев, А. Д. Шмелев, Г. П. Мельников, Ш. С. Сафаров, Ў. Қ. Юсупов, А. Э. Маматов, Ғ. М. Хошимов ва бошқалар). Хусусан, Е. С. Кубрякова концептни “ментал тузилма ва турли таркибдаги ва кўринишдаги билимлар жамланмаси ёки умумлашмаси” эканини таъкидлайди [Кубрякова, 90]. Когнитив тилшунос Ш. С. Сафаров “моддий дунё идроки айна пайтда идрок этилаётган предмет-ҳодисалар ҳақида тушунчанинг туғилишини, кейинчалик ушбу тушунча ментал намуна – концепт сифатида шаклланиб, моддий ном олиши” ни таъкидлайди [Сафаров, 2006; 25]. Тилшунос олим Ғ. М. Хошимов концептга қуйидагича ўзига хос таъриф беради: “Концепт – бу, тафаккурда кечувчи бири-бири билан чамбарчас боғлиқ нафақат икки муҳим жараён концептуаллаштириш (концептуализация) ва категориялаштириш (категоризация)нинг натижаси бўлиб саналади, балки унга қўшимча яна бир қатор муҳим (психологизация, когнитизация, социологизация, (лингво)семантизация, социолектизация, стилизация (диалектизация, вариантзация ва идиолектизация каби) жараёнларининг пировард натижасидир, у яхлит концептуал/когнитив семантика сифатида лингвистик семантиканинг когнитив асосини ташкил этади ҳамда тил бирлигида ўзининг семантик сиғими билан боғлиқ ҳолда маълум даражада (қисман) акс этади” [Ҳошимов 44]. Биз “тўй” ҳам тиллар ва маданиятлардаги мавжуд универсал концепт эканлигини эътироф этган ҳолда юқоридаги фикрларга қўшилаемиз, чунки ҳақиқатан ҳам концепт тушунчаси бизнинг онгимизда кечувчи бир қатор лингвокогнитив жараёнларнинг бевосита натижаси бўлиб, пировардида у

вербал (ва эҳтиёжга кўра новербал) воситалар орқали тизимли воқелантирилиши мумкин.

Ушбу мақолада биз турли тизимли тил оилаларига мансуб бўлган инглиз ва ўзбек тилларида “тўй” концептини ифодаловчи вербал воситаларнинг лингвокогнитив майдон табиати, уларнинг мулоқотда қўлланилиш жиҳатлари ва лингвокультурологик хусусиятларини ўрганишга эътиборни қаратамиз.

“Тўй” концепти лингвокогнитив майдонини қиёсий аснода ўрганишда ушбу рисоламизга бир қатор тилшунос-олимлар илмий-назарий изланишлари методологик асос бўлиб хизмат қилди (Шур 1968: Филичева 1977; Бондарко 1983; Дербишева 2000; Искандарова 2007 ва ҳ.к.).

Маълумки, “тўй” маросими барча миллатларда ўзига хос тавсиф ва таърифга эга бўлган муайян бир умумижтимоий воқелик - ўзига хос бир тадбир бўлиб, турли халқлар тиллари ва маданиятларида бир қатор ўхшаш ва ноўхшаш жиҳатларга эга. Уларнинг маълум лисоний жиҳатлари анъанавий тилшунослик йўналишида, айрим жиҳатлари эса антропоцентрик йўналишда таҳлилга тортилган бўлиб, уларда тадқиқот объекти бўйича муҳим назарий ва амалий хулосаларга келинган (Мирзаев 1971; Жўрабоев 1971; Хусаинова 1984; Касимова 2018; Ashurova, Galieva 2018:125 ва ҳ.к.).

Юқорида кўрсатилган тадқиқотларда, асосан, “тўй” тушунчаси билан боғлиқ муайян лексик воситалар ва атамалар таҳлилга тортилган бўлиб, ушбу ҳодисанинг умумлисоний мақоми, унинг сатҳлараро воқелантирилиши ва концепт сифатида унинг лингвокогнитив майдони алоҳида тадқиқот объекти сифатида олиб ўрганилмаган, натижада мазкур майдон аъзоларининг тизими ҳам очиб берилмаган, уларнинг лингвокультурологик хусусиятлари таҳлилга тортилмаган, қолаверса, уларнинг транслатологик ва лингводидактик аспектлари ҳам эътибордан четда қолган.

Ўзбек тилшунослигида этнографик лексика ва унинг ҳудудий ўзига хослиги масаласи анча чуқур ўрганилган. Айниқса, Н.Мирзаевнинг “Ўзбек тилининг этнографик лексикаси” (1971), А. Жўрабоевнинг “Ўзбек тилидаги тўй маросимлари билан боғлиқ атамалар” (1971), З.Хусаинованинг “Ўзбек тилида тўй маросимлари атамаларининг ономасиологик тадқиқи” (1984) ва бошқа тадқиқотларда тўй тушунчаси билан боғлиқ лексемаларнинг структурал-семантик ва

функционал жиҳатлари очиб берилган. Мазкур тадқиқотларда ватанимиз халқлари тарихи, миллий-маънавий қадриятлари, урф-одат ва удумларини ифодаловчи этнографик лексика жиддий ўрганилган. Бироқ, ўзбек ва инглиз тилларида “тўй” концепти вербализаторларини қиёслаб, уларнинг лингвокогнитив ва лингвокультурологик жиҳатларини алоҳида таҳлил объекти сифатида тадқиқ қилиш ҳанузгача амалга оширилмаган. Ушбу рисолада ана шу муҳим жиҳатларнинг айримларини қиёсий аснода ўрганишга ва илмий ёритишга ҳаракат қиламиз.

Авалло, ҳар икки тилдаги изоҳли луғатларни ўрганиш мобайнида “тўй” концептининг куйидаги маънолари ва таърифларини аниқладик:

**Ўзбек тилида:**

➤ Тўй – базм-томоша ва зиёфат билан нишонланадиган халқ маросимларининг умумий номи [Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 824];

➤ Тўй – зиёфат, ўйин кулги билан ўтказиладиган маросим [Ўзбек тилининг этимологик луғати, 366];

➤ Тўй – уйланиш, турмушга чиқиш, хатна қилиш ва бошқа муносабатлар билан зиёфат бериб, базм–томошалар билан ўтказиладиган халқ маросимларининг умумий номи [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 229].

**инглиз тилида:**

➤ Wedding is a marriage ceremony and any celebrations such as a meal or a party that follow it [Cambridge Dictionary];

➤ Wedding is a) a marriage ceremony usually with its accompanying festivities; b) an act, process, or instance of joining in close association; c) a wedding anniversary or its celebration [Oxford Dictionary];

➤ Wedding is the occasion of a marriage [Macmillan Student's Dictionary].

Юқоридаги таърифлардан кўришиб турибдики, тўй – бу, муҳим сана билан боғлиқ бўлган, зиёфат ва базм (баъзида базмсиз) ўтказиладиган маросим номидир.

Қиёсий-типологик таҳлилларимиз асосида инглиз ва ўзбек тилларида тўйнинг куйидаги турлари мавжуд эканлигини аниқладик:

<b>Инглиз тилида тўй турлари:</b>	<b>Ўзбек тилида тўй турлари:</b>
1. <b>Wedding</b> [ˈwedɪŋ] 1) тўй; никоҳ, уйланиш.	1. <b>Тўй</b> – уйланиш, турмушга чиқиш, хатна қилиш ва бошқа муносабатлар билан зиёфат бериб, базм-томошалар билан ўтказиладиган халқ маросимларининг умумий номи [Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 229].
2. <b>The wooden wedding</b> - ёғоч тўй (турмуш қурилганлигининг 5 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тўй)	2. <b>Фотиҳа тўйи</b> – қиз билан йигитнинг унаштирилганлиги муносабати билан ўтказиладиган кичик тўй; унаштириш тўйи [ЎТИЛ, 361]
3. <b>The tin wedding</b> – қалай тўй (турмуш қурилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тўй)	3. <b>Никоҳ тўйи</b> – эр – хотинликни шарият йўли билан расмийлаштириш маросими [ЎТИЛ, 38]
4. <b>The silver wedding</b> - қумуш тўй (турмуш қурилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тўй)	4. <b>Олтин тўй</b> – турмуш қурилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тўй.
5. <b>The ruby wedding (ruby wedding anniversary)</b> – лаъл тўй (турмуш қурилганлигининг 40 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тўй)	5. <b>Қумуш тўй</b> – турмуш қурилганлигининг 25 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тўй.
6. <b>The golden wedding (golden wedding anniversary)</b> – олтин тўй (турмуш қурилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тўй)	6. <b>Бешик тўйи</b> – болани (асосан тўнғич фарзандни) бешикка солиш муносабати билан ўтказиладиган тантанали маросим [ЎТИЛ, 246]
7. <b>The diamond wedding</b> – бриллиант тўй (турмуш қурилганлигининг 60 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тўй)	7. <b>Ақиқа</b> – оилада “янги меҳмон”, яъни чақалоқ дунёга келганлиги муносабати билан унинг туғилганига 7 ёки 14 ёхуд 21 кун бўлганида ўтказиладиган зиёфат, маросим [ЎТИЛ, 126]
8. <b>The Crystal wedding</b> – кристалл тўй (турмуш қурилганлигининг 15 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган тўй)	8. <b>Хатна тўйи</b> – хатна муносабати билан ўтказиладиган маросим, зиёфат; суннат тўйи [ЎТИЛ, 390]
9. <b>The China wedding</b> – хитойча тўй (турмуш қурилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан инглиз дунёсида яшовчи хитой миллати вакиллари томонидан ўтказиладиган тўй)	9. <b>Мучал тўйи</b> – бола 12 ёшга тўлиши муносабати билан оила даврасида ўтказиладиган маросим.
10. <b>The White wedding</b> - черковда ўтказиладиган тўй (унда келин оқ либос кияди)	10. <b>Ҳосил тўйи</b> – кеч кузда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосили йиғим- терими тамомланиши муносабати билан ўтказиладиган байрам.
11. <b>The Penny wedding</b> – Шотландия (Буюк Британия)да ўтказиладиган никоҳ тўйи (икки ёшга ёрдам сифатида бундай тўйга ҳамма ўзининг тўёнаси билан келади)	11. <b>Уй тўйи</b> – янги уйга кўчиб ўтиш муносабати билан уй эгалари яқинларини чақириб зиёфат шаклида ўтказиладиган маросим.
12. <b>The shotgun wedding</b> – мажбурий никоҳ тўйи	
13. <b>A church wedding</b> — черковда қилинадиган тўй	
14. <b>A register wedding</b> - жуфтликни руйхатдан ўтказиш	

ва тўй билан боғлиқ барча тадбирлар ва расмий ҳужжатларни кафолатлайдиган ташкилотда ўтказиладиган тўй

15. **A thematic wedding** – ўтказилиш жойи ва тадбирлари жуфтлик дидига мослаб танланган тўй

16. **A big/small wedding** — кўп ёки оз меҳмонлар таклиф қилинган тўй ва ҳ.к.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, тилларда тўйларнинг тури ва сони ҳам фарқланяпти, чунки ўзбек ва инглиз халқлари азалдан биридан генетик жиҳатдан жуда йироқ бўлган миллатлардир, шу туфайли уларнинг ҳаёт тарзи, маданиятлари, тиллари, эътиқодлари ва урф-одатларининг ҳар хиллиги, шунингдек, уларнинг орзу-умидлари ва қизиқишлари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради<sup>2</sup>, қолаверса бу ерда тўй тушунчаси билан боғлиқ тил бирликларининг ўзаро фарқи ҳам кўзга яққол ташланади.

Қиёсланаётган замонавий инглиз ва ўзбек тилларида “тўй” концепти ва уни воқелантирувчи тил воситаларини лингвокогнитив ҳамда лингвокультурологик жиҳатдан тизимли тадқиқ қилиш учун “туй” концепти майдонини тизимли таҳлилга тортиш мақсадга мувофиқдир.

“Тўй” концепти лингвокогнитив майдони деганда, биз шундай бир муайян лисоний худудни тушунамизки, унда маълум лингвокогнитив семантика қобиғи ичида “тўй” семантикасини воқелантиришга дахлдор барча вербал (ва новербал) бирликлар ёки воситалар мавжуд бўлиб, улар мазкур майдоннинг ядровий, доминант ва четки аъзолари сифатида мулоқотга бевосита хизмат қилади.

Қиёсий-типологик таҳлилларимиз асосида биз инглиз ва ўзбек тилларида “тўй” концепти тил бирликларининг қуйидаги инвариант турлари орқали тизимли аснода ифодаланишини аниқладик: а) морфема; б) лексема; в) синтаксема: а) сўз бирикмаси, б)

гап (содда, қўшма гап); г) фразеологик бирликлар; д) текстема. Қуйида биз буларнинг ҳар бирини алоҳида олиб, эмпирик мисоллар асосида таҳлил қилиб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Шундай қилиб, “тўй” концепти тилларда қуйидаги вербализаторлар орқали ифодаланиши умумлисоний қонуниятдир:

**а) морфемалар орқали, ўзбек тилида:**

а) “тўй” мустақил морфемаси турли қўшимчаларни олиб, янги ясама морфемалар яратади, масалан, *тўйчи*, *тўйпараст*, *тўйбоп*, *тўйчилик*, *тўйчик*, *тўйловчи*, *тўйгарчилик*, *тўйли*, *тўйлик*; б) “тўй” морфемаси бошқа мустақил морфема билан бирлашиб, қўшма сўз ҳосил қилади, масалан, *тўйбоши*, *тўйхат*, *тўйхона*, *тўй-томоша*, *тўй-ҳашам*, *тўйбола*, *тўйоши*; *инглиз тилида: wed, wedding, newlyweds, bridegroom, groomsman, bridesmaids, bride-to-be, pageboy, honeymoon* ва бошқалар.

**б) лексемалар орқали: 1) содда**

**лексемалар, ўзбек тилида: а) от:** тўй, базм, маросим, зиёфат, никоҳ, фотиҳа, келин, куёв ва ҳ.к.; **б) ҳаракат номи:** уйланиш, никоҳланиш, уйлаш, никоҳлаш; **в) сифатдош:** уйланаётган, уйланган, унаштирилган, никоҳланаётган, никоҳланган; **г) инфинитив:** уйламоқ, тўйламоқ, никоҳланмоқ, унаштирмоқ ва ҳ.к.; **д) равишдош:** уйланиб, унаштирилиб, никоҳланиб ва ҳ.к.; **2) ясама лексемалар: а) сифат: тўйли, тўйбоп, куёвбоп, келинбоп, қайнонали, қайнотали, қайноғали, қайнисингилли, хотинсиз, эрсиз, куёвли, эрли, хотинли, ўйли-жойли ва ҳ.к. б) равиш:** эркакчасига, эрларча, хотинчасига, қайноналарча, қайноталарча (муносабат), куёвчасига (олиб), куёвлардек (мулозамат қилмоқ), (ўзини) хотин-халажларча (тутмоқ) ва ҳ.к.; **2) қўшма сўзлар: а) от:** ўзбек тилида: тўй-томоша, тўй-ҳашам, куёвнавкар, куёвтўра, юзочди, келинсалом, таклифнома, тўйхона, куёвчиқди, куёвқочди ва ҳ.к.; *инглиз тилида: 1) содда лексемалар: а) от:* couple, bride, groom, ceremony, husband, wife, ring, guests, confetti; **б) ясама лексемалар:** wedding, bridal, nuptials, festivities, ; **в) равиш:** wifely, husbandly, fatherly, motherly, familywisely, weddingwisely; **г) инфинитив:** to marry, to husband, to wife, bridal;

<sup>2</sup> Ўзбеклар орасида “тўй – одамлар ўртасида меҳр—оқибатни уйғотиш, сақлаш, кўпайтириш ниятида жорий этилган удум. Қадимда ўзига тўқ, саховатли, инсофли кишилар суннат амаллари саналган ақиқа, ўғил фарзанд кўлини “ҳалоллаш”, никоҳ каби маросимларга қариндошг—уруғларини, кўниғқўшнини таклиф этиб меҳмон қилганлар. ....Тўй номи, аслида, қариндош-уруғлар, яқин дўсту- биродарларнинг дийдорига, суҳбатига тўйиш маъносидадир. (Қиринов Б. “Тўй”нинг маъноси нима? “Ҳидоят” журнали, 2019 йил, 2-сон, 29 б.), *инглизлар орасида эса “Wedding” – “тўй, никоҳ, никоҳ аҳди”, маъноларини билдирди, у “to wed” феълидан олинган бўлиб, “ уйланмоқ, турмушга чиқмоқ, никоҳланмоқ” маъноларини англатади (ABBYU онлайн луғати).*

г) **ҳаракат номи (герундий):** wedding, marrying, divorcing, honeymooning; 2) **қўшма лексемалар:** bridegroom, groomsmen, bridesmaids, bride-to-be, pageboy, newlyweds, honeymoon ва ҳ.к.;

в) **синтаксемалар орқали:** 1) **сўз бирикмаси, ўзбек тилида:** тўй қилмоқ, тўй бермоқ, тўй бошламоқ, оила қурмоқ, турмуш қурмоқ, тўй маросими, тўй эгалари, тўй базми, тўй оқшоми, тўйма-тўй юрмоқ, бошини иккита қилмоқ, қўша қаримоқ, эрга тегмоқ, хотин олмоқ, ўғил тўйи, мучал тўйи, хатна тўйи, соч тўйи, тиш тўйи, бешик тўйи, никоҳ тўйи, олтин тўй, қумуш тўй ва ҳоказо; **инглиз тилида:** to get married, to get divorced, to hold a wedding to attend a wedding, to officiate at a wedding, to perform a wedding — wedding day, wedding dress, wedding gown, wedding reception, to attend the wedding, to hold the wedding, to tie the knot, Big Day, wedding traditions, wedding ceremony, wedding rituals, ruby wedding, wooden wedding, silver wedding, golden wedding, diamond wedding, wedding vows etc. ...a wedding present, wedding anniversary, a marriage ceremony, wedding day, the anniversary of a marriage, silver wedding, diamond wedding ва ҳ.к.; 2) **гап:** а) **содда гап, ўзбек тилида:** Қудачилик – минг йилчилик. Отангни уриб ўлдирганга онангни бер. Тўй тўйдек бўлсин. Тўйга борсанг, тўйиб бор. *Кимга тўй, кимга аза.* Йигитлар куёвни меҳмонхонага олиб кирадирлар, зиёфат бошланади [А. Қодирий, Уткан кунлар, 31]; Никоҳ ўқилиш мобайнида онаси куёв елкасига беқасам чопон ёпди [Т. Мурод, Ойдинда юрган одамлар, 8]; Тўйхона тўла тўйловчи бўлди [Т. Мурод, Ойдинда юрган одамлар, 6]; **инглиз тилида:** A wedding is not a wedding without the feast; A wedding is the last gasp of your childhood family; Weddings are great places to meet people [J. Guillory, The Wedding Date, 18]; б) **қўшма гап, ўзбек тилида:** Куёвтўра келиб қараб турсин, ким қандай совға ташлайди [Т. Мурод, Ойдинда юрган одамлар, 6]; Карнай-сурнайлар эшиттирдим, тўйхона ҳавосини олдириб-олдириб келдим [Т. Мурод, От кишнаган оқшом, 18]; Бу қиш кучим етмайди, келаси қиш катта тўй бераман [Т. Мурод, От кишнаган оқшом, 36]; **инглиз тилида:** We are a little crazy with wedding stuff, but I know we'd both love to catch up with you [J. Guillory, The Wedding Date, 25]; Okay, well, that's obviously your dress for the wedding, and you have the perfect shoes for it, those gold ones you bought to wear with the gold sequined dress [Ibidem, 31]. Weddings are not over until they are sealed with a kiss; An invitation

to a wedding invokes more trouble than a summons to a police court does; A wedding is the formality a man has to go through before going to work for a new boss; If you can survive the wedding, they say, the rest is a piece of cake ва ҳ.к.

г) **фразеологик ёки паремиологик бирликлар (фразеологизмлар) орқали:** а) **фразеологик бирликлар, инглиз тилида:** wedding march, match-making, shotgun marriage, to make a good match, to go down the aisle, to pop the question, to hear the sound of wedding bells, to make a match, to tie the knot, to pair off, to marry into money, to alter one's condition, to marry for love, to please one's eye and plague one's heart, to marry for a home ва ҳ.к.; **ўзбек тилида:** тўйнинг юки, тўй чиқимлари, бекамикўст тўй, тўй бермоқ, тўй олмоқ, тўй қилмоқ, тўйни бузмоқ, тўйни қизитмоқ, тўйни совутмоқ, тўйни ўтказмоқ. тўйни бошқармоқ, тўй дардида, тўйга интиқ, тўй чиқимлари, қалин сўрамоқ, қалин олмоқ, қалин бермоқ, тўйни азага айлантirmoқ, қулоғини тишлаб қўймоқ. нон синдирмоқ, фотиҳа бермоқ, бошини очиб қўймоқ, талоқ қилмоқ, ва ҳ.к.; б) **паремиологик бирликлар: ўзбек тилида:** Тўй тўйдек бўлсин. Тўйга борсанг, тўйиб бор. Тўйнинг боши бошлангунча; Тўйда тўнимни бер; Тўйнинг овозаси карнайидан маълум; Тўй кенгаш билан бўлур, ўлим – бемаслаҳат; Тўйлар тўймас оши, чарчагунча иши; **инглиз тилида:** One wedding brings another; Always sample a maidens charms before the wedding; Wedlock is padlock; One for sorrow, two for mirth, three for wedding, four for birth; The wife cries before the wedding, the husband after; Three rings of marriage are the engagement ring, the wedding ring and the suffering ва ҳ.к.

д) **текстемалар орқали: инглиз тилида:** “I've been to ten weddings in the past three years,” Alexa said. “I've been a bridesmaid in seven of those” [J. Guillory, The Wedding Date, 29]; **ўзбек тилида:** Агар хотининг яхши бўлса, тўйга бормоқ не даркор, агар хотининг ёмон бўлса, азага бормоқ не даркор; Куёв тарафдан фотиҳа тўй келди. Фотиҳа тўйида қўй, зиғир мой, гуруч, майиз... бўлди. Тўйловчилар атаган совға-саломларини рўмолга ташлади. Биров бир кийимлик атлас ташлади, биров шойи ташлади. Рўмол деярли тўлди. Дуо эзгу бўлди: - Тўйники тўйда қайтсин! [Т. Мурод, Ойдинда юрган одамлар, 6] ва ҳ.к.

Шундай қилиб, юқорида биз қиёсланаётган тиллардаги “тўй” концептини воқелантирувчи воситалар – вербализаторларнинг структурал-семантик



## ТИЛШУНОСЛИК

турларини аниқладик. Табиийки, уларнинг мажмуаси тилларда мазкур концептни воқелантирувчи махсус вербал воситалар тизимини ташкил этади. Бундай тизим эса, тилларда “тўй” концепти вербализаторларининг лингвокогнитив майдони борлигидан далолат беради. Ушбу концептнинг лингвокогнитив майдони ядро, доминант ва чекка (перифериал) аъзолар (конституентлар)дан ташкил топган бўлиб, мазкур майдоннинг ядросини синтаксемалар

(сўз бирикмалари, гаплар) ташкил этса, лексемалар (от, сифат, сифатдош, равиш, равишдош, инфинитив, ҳаракат номи/герундий), унинг доминант аъзоларини, қолган конституентлар (морфемалар, фразеологизмлар ва текстемалар) эса мазкур майдоннинг четки (перифериал) аъзоларини ташкил этади. Қуйида қиёсланаётган тилларда “тўй” концептини воқелантирувчи вербал воситалар лингвокогнитив майдонининг диаграммаси берилган:



“Тўй” лингвокогнитив майдони

Юқоридаги мисоллар, таҳлиллардан кўриниб турибдики, қиёсланаётган тилларда “тўй” лингвокогнитив майдонини ташкил этувчи вербал воситалар нафақат ўзларига хос структурал-семантик жиҳатларга эгаллиги билан, балки бетакрор лингвокультурологик хусусиятлари билан ҳам бошқа вербал воситалардан тубдан фарқ қилади. Айнан қуйидаги мисолларнинг ҳар бирида тил эгаси бўлмиш миллатнинг бетакрор лисоний маданий хусусиятлари ҳам ўз аксини топган, масалан, *инглиз тилида*: “I’ve been to ten weddings in the past three years,” Alexa said. “I’ve been a bridesmaid in seven of those” [J. Guillory, *The Wedding Date*, 29]; *ўзбек тилида*: Агар хотининг яхши бўлса, тўйга бормоқ не даркор, агар хотининг ёмон бўлса, азага бормоқ не даркор; Куёв тарафдан фотиҳа тўй келди. Фотиҳа тўйида қўй, зиғир мой, гуруч, майиз... бўлди. Тўйловчилар атаган совға-саломларини рўмолга ташлади. Биров бир кийимлик атлас ташлади, биров шойи ташлади. Рўмол деярли тўлди. Дуо эзгу бўлди: - Тўйники тўйда қайтсин! [Т. Мурод, *Ойдинда юрган одамлар*, 6].

Демак, тиллардаги “weddings, bridesmaid” ва “фотиҳа тўй”, “Тўйда қўй, зиғир

мой, гуруч, майиз... бўлди”, “Тўйловчилар атаган совға-саломларини рўмолга ташлади”, “Тўйники тўйда қайтсин” каби вербал воситалар ўзида бирваракайига ҳам денотатив, ҳам коннотатив, яъни лингвокультурологик семантикаларни мужассамлантирган синкретик тил бирликлари бўлиб, улар лингвокультуремаларга ёрқин мисол бўла олади. Айнан мана шундай лингвокультуремаларга тилларни ўрганишда ва уларни бир тилдан иккинчисига таржима қилишда жиддий эътибор қаратилиши лозим, акс ҳолда лингводидактик ва транслатологик нуқтаи назардан олганда лингвокультуремалар истеъмолда у ёки бу тилни ўрганиш ёки маълум матнни у ёки бу тилга ўгириш жараёнида муайян қийинчиликларни келтириб чиқариши ҳам мумкин. Қандай бўлмасин, лингвокультуремаларни ўқув ва таржима жараёнларида зинҳор инкор этиб бўлмайди, акс ҳолда бундай инкорлар қиёсланаётган тиллардаги бетакрор жилоларнинг асосиз барбод қилинишига олиб келади.

Юқоридаги мухтасар қиёсий таҳлил асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: